



Савол:

Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳ.

Рұхлар түғрисида ва арвоҳларни жасадга, қабрда қайтиб келиб вақти-вақти билан күришлари түғрисидаги ривоятлар ҳақида аниқ китоб ва суннат асосида жавоб берсангиз?! Мен ўзим бир масжидда имомлик қиламан, илмим ўта кўп бўлмагани учун, сизларга эҳтиёжим бор, илтимос ишларимизда ҳамкорлик қиласлий.

Жавоб:

Алҳамду лиллаҳ вассолату вассаламу ала росулиллаҳ аммо баъд...

Ва алайкум ассалам ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу ҳурматли биродаримиз, Аллоҳ таоло сизни бундай улуғ вазифа билан мукаррам қилган экан, сиз бунинг шукрини қилинг ва бу омонатни лойик суратда адо этишга ҳаракат қилинг. Бу ишда Аллоҳ сизга ёрдамчи бўлишини дуо қиласиз.

Бизнинг бу саҳифани очишдан мақсадимиз диний ишларда ва бутун яхшиликларда ҳамкорлик қилишdir. Хатингизда сўраган саволингизга келсак;

Барзах ҳаёти умуман бошқа бир ҳаёт бўлиб ундаги ҳолатлар бизнинг дунёдаги ҳаётимизга ўхшамайди. Ҳар бир инсон вафот этгач унинг руҳи баданини тарк этади. Кабрга қўйилгандан кейинги руҳнинг бадан билан алоқаси, бизга номаълум. Бироқ, биз иймон келтирамизки бадан билан руҳ ҳамиша боғлиқ. Мўъмин учун роҳат, кофир учун азоб баданига ҳам руҳига ҳам бўлади. Мўъминларнинг руҳи Иллийинда



кофирларнинг руҳи эса Сижжийнда туради. Рұхлар у ерда бўлса ҳам баданлари билан доимий алоқада бўлади. Бу алоқа биз ҳозир айтиб ўтганимиздек ғайб ишларидан бўлгани боис, биз уни билиб англай олмаймиз. Алоқаси доимий бўлиши билан бирга руҳ Аллоҳ хоҳлаган пайтда баданга яшин тезлигида келиб яна қайтиб кетиши мумкин.

Рұхларнинг кўришишларига Оли Имрон сурасининг 170- оятида Аллоҳ таоло шаҳидлар ҳақида берган хабари уларнинг бир-бирлари билан кўришишлари ва ортларидан келганларга ва етиб келмаганларга ҳушхабар беришларига далолат қиласи. Аммо суннатда бу ҳақда бир неча ҳадис ворид бўлган, уларни Ибнул Қоййим Ибн Абид-Дунёдан нақл қилиб «ар-Рұҳ» китобида келтирган. Биз қуйида ўша ҳадисларнинг маъноларига ишора қилиб ўтамиз.

«вақти-вақти билан кўришлари» дебсиз буни тушунмадик. Агар сиз рұхларнинг бир-бирлари билан кўришишларини назарда тутган бўлсангиз, уларнинг неъматдагилари бир бирлари билан кўришиб ҳол-аҳвол сўраб туришади. Ҳатто янги бир вафот этган кишининг руҳи келса улар дунёдаги фалончи-пистончилар ҳақида ҳам сўрашади. У уларга бунинг хабарини беради ва ҳоказо. Гоҳида у фалончи ўлиб кетган деса, улар: шундайми, демак уни «Ховия» (дўзахнинг номи) га олиб кетилибдида, дейишади. Аммо азобдагиларини азоб ҳол-аҳвол сўрашдан машғул қилиб қўяди.

«арвоҳларни жасадга, қабрда қайтиб келиб вақти-вақти билан кўришлари» дебсиз, юқорида зикри ўтган кўришиш фақат рұхлар ўртасида бўлади, жасадлар тез кунда чириб кетади, кўришиш учун рұхнинг баданга қайтиши шарт эмас.

Бу ҳақда кенг маълумот олиш учун имом ибнул Қоййимнинг «ар-Рұҳ»



Руҳлар ҳам бир-бирлари билан кўришадими? | 3

Ислом Нури

НОМЛИ КИТОБИГА МУРОЖААТ ҚИЛИНГ.